

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 242-ҳадис

242/374 – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كَانَ قِرَامٌ لِعَائِشَةَ، سَتَرَتْ بِهِ جَانِبَ بَيْتِهَا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَمِيطِي عَنَّا قِرَامَكَ هَذَا، فَإِنَّهُ لَا تَزَالُ تَصَاوِرُهُ تَعْرِضُ فِي صَلَاتِي».

242.374 Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Оиша розияллоху анҳонинг гулли юпқа пардаси бор эди. У билан уйнинг бир тарафини тўсиб қўйган эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Мана бу пардангни кўзимиздан нари қил, чунки ундаги суратлар намозимда менга кўринаверяпти»**, дедилар».

Манба: hadis.islom.uz

